



" 31 " март 2014 й. № 3

**Уй хўжаликларида кузатув ўтказиш бўйича услубий низомга
ўзгартиришлар киритиш хақида**

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, уй хўжаликларида танлама кузатувларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича услубиятни такомиллаштириш мақсадида, Давлат статистика қўмитаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2010 йил 24 декабрдаги 18-сон қарори билан тасдиқланган Уй хўжаликларида кузатув ўтказиш бўйича услубий низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор 2014 йилнинг 1 апрелдан кучга киради.

Раис

Б. Тураев

**Уй хўжаликлариди кузатув ўтказиш бўйича услубий низомга
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 4-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“4. Ҳар бир алоҳида уй хўжалигида кузатув ўтказиш даврида қуйидаги сўров хужжатларини тўлдириш назарда тутилади:

а) кунлик харажатларни ҳисобга олиш кундалиги (товар ва хизматлар Уй хўжаликларининг мақсадлар бўйича якка тартибдаги истеъмоли таснифлагичи бўйича кодлаштирилади);

б) уй хўжаликлари кузатуви саволномаси;

в) туризм кузатуви бўйича анкета.”.

2. 15-17-бандлар қуйидаги таҳрирларда баён қилинсин:

“15. Кузатув дастурида маълумотларни йиғиш бўйича бажариладиган қуйидаги ишлар белгиланган:

а) кузатувда иштирок этишга уй хўжалиги розилик берганидан сўнг, интервьюер кундалик ёзувларини олиб борадиган информантни аниқлаб, унга кундалик ёзувларини амалга ошириш қоидаларини тушунтиради. Бунда, кузатув ўтказилаётган ҳар бир уй хўжалиги икки ҳафта давомида озик-овқат маҳсулотларига, ноозик-овқат товарларига ва хизматлар тўловига қилинган барча харажатларнинг батафсил кундалик ҳисобини ўзида мужассамлаштирган кундалик ёзувларни юритади.

Шунингдек, Кундаликда уй хўжалигига кундаликни юритиш даврида бепул (ўз хўжалигидан, иш хақи ҳисобига, совға ва беминнат ёрда тариқасида) келиб тушган озик-овқат маҳсулотлари ва ноозик-овқат товарлари ҳисобга олинади. Бундан ташқари, кундалик ёзувларда Кундалик юритиш даврининг бошида ва охирида уй хўжалиги ихтиёрида мавжуд бўлган озик-овқат маҳсулотлари миқдори қайд қилинади.

б) кузатув ойнинг якунида уй хўжаликлари билан уй хўжаликлари кузатуви саволномаси ва туризм кузатуви анкетаси бўйича сўров ўтказилади.

16. Уй хўжаликлари кузатуви саволномаси бўйича сўров ўтказиш дастури демографик хусусиятларни, турар-жой шароитларини, коммунал хизматлар билан таъминланганлигини, хўжалик фаолиятини юритиш шароитларини, оиланинг умумий

даромадлари ва тушумлари манбаларини, ишлаб чиқариш фаолиятини, имтиёзларни, ноистеъмол харажатлар ва туловларни, узоқ муддат фойдаланиладиган буюмлар билан таъминланганлигини, ҳамда яқка тартибга хос хусусиятга эга уй хўжалиги аъзоларининг таълим даражаси, бандлиги ва даромадлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига оладиган саволларни қамраб олади.

Шунингдек, сўров ўтказиш дастурига уй хўжалигининг Интернет тармоғига уланганлиги тўғрисида савол киритилган.

17. Туризм кузатуви бўйича анкетанинг сўров ўтказиш дастури уй хўжалиги аъзоларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб ва унинг ташқарисига туристик сафарларни амалга оширилганлиги ҳамда ушбу сафарлар билан боғлиқ харажатларни аниқлаш учун кўзда тутилган.”.